

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (3538).

Якшанба, 19 март 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.

МАТБУОТИМИЗНИНГ ЛЕНИНЧА ТРАДИЦИЯЛАРИ

«Мана шу буюк кунларда ишчи газетаси яна тикланмоқда. Ишчи ўртоқлар, солдат ўртоқлар, деҳқон ўртоқлар — «Правда»ни ўқиб, қувватлаб келган кишиларнинг ҳаёти унинг эски дўст каби кутиб олишди. Янги дўстлар ҳам унга ишвоз чиқди.

Ишчилар газетаси — «Правда» самодержавие режими оғир шароитда революцион ишчилар синфининг органи бўлган эди. Ишчилар газетаси — «Правда» революция кунларида ва озодлик кунларида ишчилар синфига хизмат қилажак.

«Правда» уч йилга яқин чиқмай турганидан кейин бундан эллик йил муқаддам — 1917 йил 5 (18) мартда яна нашр қилина бошлаган кунда ўз газетхоналарига шундай сўзлар билан мурожаат қилган эди. «Правда» газетаси қайтадан чиқа бошлаганини В. И. Ленин қизини таъриқлади. У, қурашдош ўртоқларнинг ҳаммасини газетасига ёзиб туринга даъват қилди ва дарров «Правда»да унингнинг биринчи «Олисде мактуби»ни эълон қилди. Февралдан то октябргача бўлган қизини давр давомида Ленин деярлик ҳар кун «Правда»да ўзининг мақолалари ва мулоҳазалари билан чиқиб турди, унинг ёрдами билан партияни, ишчилар синфини социалистик революцияга қўллаб турди.

Шундан бери ярим аср вақт ўтди. Совет давлати тараққиётининг барча давларида ҳам бизнинг матбуотимиз партия ва халқда садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. «Известия» газетасининг яқинда кенг ишлонганган 50 йилги бутун совет матбуотининг байрами бўлди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Известия» газетасига юборган табриқиди, титанали мажлисда сўзлаган нутқларида матбуотнинг катта хизматлари уқтириб ўтди.

«Правда», «Известия» ва матбуотимизнинг бошқа органлари, совет радиоси ва телевидениеси, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — ҳаққин тарбиялашнинг, партия идеяларини пропаганда қилишнинг қудратли воситасидир, жуда кенг меҳнаткашлар оmmasини жаъиятини ишларини бошқаришда қатнашини га тортиш воситасидир. Совет матбуоти шундай воситадирки, унинг ёрдамида партия ҳар кун омма билан гаплашиб масахатлашиб туради, оммага сиёсий билим беради ва омманинг ижодий қучларини сафарбар қилиб, шу тариқа ўз сиёсийнинг ленинча бош қўлини амалга оширишни енгиллаштиради.

Бу йилги совет юбилей йили матбуотимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Социализминг яратувчилни қувватлини, Совет Иттифоқи халқларининг коммунистик қурилишдаги жуда катта муваффақиятларини чуқур ва ёриш курастиб бериш, омманинг ижодий ташаббусларини ҳормай-тозлай ривожлантириб, уни КПСС XXIII съездининг қарорларини бажаришга сафарбар қилиш керак.

Кўпгина газеталар чинакам коллектив пропаганда, агитатор ва ташкилотчи бўлиб, муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Чунки, «Ленинградская правда» журналистлари ўз шахарининг революцион тарихини «Смольнида Октябрь сўхбатлари», «Революцион отрядларнинг маршрутлари бўйлаб» ва шу каби рубрикалар остида босилган материалларда пропаганда қилишнинг муваффақиятли формаларини топдилар. Ульяновская пресда» газетаси В. И. Ленин юртининг революцион тарихини Волга бўйининг ҳозирги кунлари билан боғлаб кўрсатуви бир талай мароқли материалларни босиб чиқармоқда. «Марийская правда» коллективи шунга ўйлаб, ижодий ишламоқда. Мари халқининг турмушида Совет ҳокимияти йилларида рўй берган диққатга сазовар ўзгаришлар тўғрисидаги материаллар бу газетда мунтазам равишда бериб бормоқдалар.

«Правда Украины», «Заря Востока», «Советская Кубань» газеталари ва бошқа газеталар ўзлари босиб чиқаётган материаллар билан газетхоналарини қувонтирмоқдалар.

Ҳозирги кунда иқтисодий проблемаларни еритиш доимий диққат ва эътиборни, илмий

асосга таяниб ишлашни, юксак журналистик маҳоратни талаб қилади. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жаъиятимизнинг ривожланишига, халқ фаровонлигининг ўсишига асос бўлиб турибди, шу сабабли газеталар иқтисодий қурилиш масалаларини ҳар томонлама ишлаб чиқаётганлиги табиийдир. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига босилган мусобақа ҳозир матбуот саҳифаларида катта ўрин олмақда. Бу мавзунин «Вечерняя Москва», «Советская Белоруссия», «Уральский рабочий» ва бошқа газеталар оперативлик билан сермазун қилиб ёритмоқдалар. Кўпгина матбуот органларида айрим коллективлар, районлар, областлар ва республикаларнинг социалистик мажбуриятлари эълон қилинмоқда. Лекин мажбуриятларни босиб чиқариш ишнинг бошланғичидир, холос. Муқаддас ишлар қандай бажарилаётганлигини кун сайин кўраётиб бориш, илгорларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самардорлигини оширишга ҳақлиқ бераётган иллатларнинг ҳаммасига кескин равишда қарин чиқиш керак. Давлабазорлик билан шугулланмасдан, балки хўжалиқини юртининг методларини чуқур очиб бериш, резервларни қидириб топиш, меҳнат илмий таъкил этишни жорий қилиш тўғрисида жон куйдириш керак — матбуотдан талаб қилинаётган нарсаси мана шу. Иқтисодий ислохот қандай ўтказилаётганлигини ҳар томонлама ёритиб туриш, партия ташкилотларининг янги шароитдаги ташкилотчилик ва идеология ишлари практикасини умумлаштириб бориш жуда муҳим вазифадир. Оммани турмушнинг ҳамма соҳаларида олтинга жонли, конкрет намуналарда тарбиялайлик, бутун қудратли ишда иштирокчилик бажарар қилишни учун курашайлик — Лениннинг бу вазифаси ҳозирги кунда, айниқса аҳамиятли бўлиб турибди.

Жамоатчиликка таяниш, газетхоналар билан алоқаларини тинмай мустаҳкамлаш матбуотимизнинг мустаҳкам традициясидир. Газеталарнинг редакцияларига меҳнаткашлардан тўхтовсиз келиб турган мақолалар ва хатларда омманинг жуда бой таърибаси баён қилинмоқда. Худди шу сабабли маъзуларнинг ҳақиқатан битмас-туғанмас мана шу маъбадан, ҳаётини материаллини, халқ доимийлигини мана шу маъбадан яхшироқ фойдаланиш керак. Бироқ, баъзи редакциялар кеннинг вақтларда хатларга эътиборни сусайтириб қўйдилар. Шонли юбилей аракиси бўлган ҳозирги вақтда эса ишчилар, колхозчиларнинг, совет иёллари намоёндаларининг овози газетаси саҳифаларида баралла янграши лозим.


Матбуотимизнинг вазифалари катта ва жуда хилма-хил. Партиянинг идеологик жангчилари марксизм-ленинизм идеялари байроқини баланд кўтаришлари, коммунистик идеологияни тушунтириб ва пропаганда қилиб туришлари, империализм пропагандасининг атакларини активлик билан қайтаришлари, идеология фронтиндаги мухолифларимизнинг позициясига доимий ва дадил ҳужум қилиб боришлари лозим.

«Ўзим кеска газетчи бўлганлигим учун, — деб ёзган эди А. М. Горький, — бизнинг янги тарихин яратилишимизнинг улур кунларида Советлар Иттифоқи меълакатиди газетачилик иши нақадар кўп асабий гайрат талаб қилишини билмаган, чуқур инсониятнинг янги тарихини яратилишнинг ўзи мамлакатимизда зўр куч билан аж олдирилган меҳнатнинг асосий моҳиятидир. Мана шу дадил ишда сизларнинг ролингиз ўртоқлар, биринчи ролларнинг биридир...»

Матбуотимиз, барча совет журналистлари партия ва халқ олдидаги ўз масъулиятларини англаб, бундан бундан ҳам Ленин традицияларига содиқ бўлиб қоладилар. Ўзларининг бутун куч ва билимларининг профессионал маҳоратларини ва ўз қалбларининг ҳароратини коммунизм қуриш ишига сарфлай берадилар.

(«Правда»нинг 18 мартдаги бош мақоласи)

БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА



КИЕВЛИКЛАР АХДИ

Ўтган йили украинлик қардош қурувчилар пойтахтимизда «Украина» турар-жой кватталарини бунёд этиб, неча ўнлаб тошкентликларга янги уйлари оқиб келтирилган эди. Ҳозирги кунда қардошларимиз «Украина» микрорайонини қуришда. Эндиликда иш пойтахтимиз марказига қўнган. Марказий универмаг атрофидаги 40 гектарга яқин майдонда ҳа демай кўп каватли ишчи ва бекирим турар-жой бинолари қад кўтарилди.

Шу кунларда украинликлар қуришни майдонда иш қилган. «Укрстрой»га қарашли қурилиш-монтаж поездининг коллективлари кунини тулга улаб меҳнат қилишди. Ленин орденли 1-«Главнестрой» бунёдкорлари аса 4 та кўпкватли турар-жой биносини тиклашди.

Бундан икки ой илгари ана шу биноларга дастлабки ғишт қўйилган эди. Мана энди бинолар кўкка бўй қўзиб қолибди. Учта уйнинг иккинчи қаватига, ана битта уйнинг учинчи қаватига ғишт териб бўлинди. Тажрибали бинокор П. Очар бошчилик қилаётган бригадаси аъзоларининг кўли кўпга тегмайди. Бу бригада уч ойлик топширини 2.5 ой ичиди 160 процент қилиб бажаришга эришди. Н. Колодий, Е. Савченко сингари моҳир усталар кунига 1800 — 1800 донадан ғишт теришди.

— Биз ана шу биноларни май ойда фойдаланишга топширамыз, — қисалик бунёдкорларнинг аҳди ана шундай.

Х. СУЛТОНОВ.

● Украина бинокорлари «Украина» микрорайонда уй-жой қурилишнинг кенг қўламада бошлаб юборганларига ҳали кўп вақт бўлган. Ўқ. Лекин тез суръат билан ишлаётган қурувчилар уйлари оқиб неча қаватли кўлдан чиқариб қўйишди. Суратда: «Украина» микрорайонда қурилиш ишларининг умумий қўрилиши.

А. Палехов фотолари.

ЯНГИ ТОШКЕНТИН

БУНЁД ЭТАМИЗ

САГБОН ЧИРОНИ

ОЧИЛМОҚДА

Пойтахтдаги Сагбон кўчасидан бундан бир мунча вақт илгари ўтган киши эндиликда уни танимай қолади. Бу ерда турар-жой бинолари бирин-кетини қад кўтарилди. Ўтган йили бу ерда иш бошлаган 159-қурилиш трести 8-бошқармасининг қурувчилари 45 хонали уйни қисқа муддатларда қуриб битказдилар. Бу уйга автомобиль ремонт заводининг ишчилари кўчиб киришди. Эндиликда яна бир турар-жой биноси қуриляпти.

— Орамизда пешкадалар кўп, — дейди қурувчилар бригадасининг раиси Салимжон Ёкубов, — Сафарбой Нуринов, Алексей Катков каби ғишт терувчиларимиз ўз касбларини жуда яхши эгаллашган. Кунига мингтадан ошириб ғишт териш уларга ҳеч гап эмас. Бу кураётган уйишга ҳам ремонтчилар кўчиб киришди.

Бинокорларнинг аҳдлари қатъий. Улар биринчи майгача шу уйни батамом қўлдан чиқаришмоқчи.

Ж. РАҲМАТОВ.



● Одесса бинокорлари Тошкент марказида янги уй-жойлар қуришди. Суратда: одессалик ғишт терувчи Анатолий Баби.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ I СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари XI қаҳриқ Тошкент област Советининг I сессияси бўлди. Сессия мандат комиссиясини сайлади ҳамда комиссия раиси депутат С. О. Аҳмедовнинг докладини тинглади.

Сессия меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Совети ижроия комитетини тузди. Депутат Э. Т. Шайхон меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Совети ижроия комитетининг раиси қилиб сайланди. Область Совети ижроия комитетини раисининг биринчи ўринбосари қилиб депутат Г. Г. Светленко, раис ўринбосари қилиб депутатлар А. И. Бродова, К. А. Аҳмедов, И. Х. Хидоятлов сайландилар. Депутат М. Эгамбердиев област ижроия комитетининг секретари қилиб сайланди. Депутатлар М. А. Абдуразақов, Р. Ғ. Ғофуров, А. А. Ли, И. Р. Раҳматов, К. Т. Тошпулатова, М. Ш. Шералиев, Я. К. Элчибеков област ижроия комитетининг аъзолари қилиб сайландилар.

Меҳнаткашлар депутатлари област Советининг 16 та доимий комиссияси тузилди ҳамда бўлим мудири ва бошқаришнинг бошқилари тасдиқланди.

Сессия ижроия комитетини раисининг биринчи ўринбосари қилиб депутат Г. Г. Светленко, раис ўринбосари қилиб депутатлар А. И. Бродова, К. А. Аҳмедов, И. Х. Хидоятлов сайландилар. Депутат М. Эгамбердиев област ижроия комитетининг секретари қилиб сайланди. Депутатлар М. А. Абдуразақов, Р. Ғ. Ғофуров, А. А. Ли, И. Р. Раҳматов, К. Т. Тошпулатова, М. Ш. Шералиев, Я. К. Элчибеков област ижроия комитетининг аъзолари қилиб сайландилар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Тодор Живков билан Болгария Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Георгий Трайков КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийга ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга

телеграмма юбориб, Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланган куннинг 19 йиллиги муносабати билан уларни ва бутун қардош совет халқини жуда самимий қўллаб-қувватлаш ҳамда коммунизм қуришда, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун курашда янги-янги ғалабалар тиладилар.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ I СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари XI қаҳриқ Тошкент шаҳар Советининг I сессияси бўлди. Сессия ташкилий масалаларни қараб чиқди.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси қилиб депутат Х. А. Асомов сайланди. Шаҳар Совети ижроия комитетини раисининг биринчи ўринбосари қилиб П. И. Садименов, раис ўринбосари қилиб депутатлар Г. И. Лебедев, С. Б. Норкузиев, С. А. Рахматужаева, Г. М. Саркисов, ижроия комитет секретари қилиб депутат А. М. Муҳамедов сайландилар. Депутатлар С. Р. Расулов, С. А. Харьковский, А. Нурмухамедов, А. Қ. Қамов, М. С. Лебединский, Р. Х. Ниебекова, Н. Р. Мирзасоҳибов, А. Т. Тошметов ижроия комитет аъзолари қилиб сайландилар.

Сессия шаҳар ижроия комитетини бўлим мудири, бошқармаларнинг бошқилари ва трестларнинг бошқарувчиларини тасдиқлади.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг 14 та доимий комиссияси тузилди.

СУТ, ҒУШТ ТОПШИРИШ ПЛАНИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақада актив қатнашаётган Калинин районининг чорвадорлари ишчи-деҳқонларни янгида-янги ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Район хўжалиқларида чорвачилик маҳсулотлари еттишар кун сайин кўпаймоқда. Чорвадорлар юбилейли ваҳт тасида туриб ишлаб давлатга сут топшириш қаватли планнинг муддатидан илгари ошириб бажардилар. 1843 ўринга 1867 тонна сут етказиб берилди.

Сигирлардан қўлаб сут солиб олишда айниқса Оржоникидзе номили, Калинин номили, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Ленин номили, Карл Маркс номили колхозларнинг аъзолари яхши курашчиларга эришдилар.

Районда ғушт тайёрлаш қаватли план ҳам ортин билан адо этилди. 719 ўринга 754 тонна ғушт топширилди.

Хўжалиқларда иккинчи қаватли ҳисобдан давлатга ғушт, сут топшириш қизғин давом этаётди.


Н. САЪДУЛЛАЕВ.

ЕРГА ЕР ҚЎШИЛЯПТИ

Бекобод райониди Навоий номили колхознинг пахтакорлари Совет давлатининг 50 йиллиги тўйига зўр тайёргарлик қўришди. Колхозчи ва механизаторлар ишчи мусобақа асосида ташкил қилдилар. Ҳамма участка ва эвенларда юбилей ваҳтасида туриб меҳнат қилинаётди. Хўжалиқда шўр ерлар тозаланиб ювди. Қисқа вақт ичиди катта-катта майдонлардаги ерларга пол олиниб, сув қўйилди. Далага маҳаллий ўт қўлаб ташиб чиқарилади. Ариқ-зовурларни тозалаш жадал кетяпти. Пешкада эвен ва участкаларда тулароқда нам сақлаш юзасидан ариқ зарур тадбирлар амалга ошириляпти.

Шунинг қувончили, пахтакорлар захмат ерларни ўзлаштириб экинзорга айлантирмоқдалар. Айниқса бу ишда ўртоқ С. Шодмонов бошлиқ комплекс механизациялашган эвен аъзолари ўртак бўлишди. Улар юбилей йилида 45 гектар янги ер очиб, чигит экинни мўлжаллашди. Ҳозир далада бўлган киши эвен аъзоларининг тер тукиб меҳнат қилаётганлигини кўрадилар. Ғофур Орипов, Раҳмат Деҳқонбоев, Незмат Хўжақулов каби меҳнаткорлар тупроқларни кафдек тикишляпти. Пулдош Қодиров, Шоди Мирзоев, Турсунқул Муродов каби эвен аъзолари ҳам гайрат кўрашляпти. Ариқ олиб карта четларини тартибга солишмоқда.

Л. УСМОНАЛИЕВА.



● Калинин райониди «Партия XXI съезда» совхозида бедазорларнинг ҳосилдорлигини ошириш юзасидан барча қоралар қўриляпти. Суратда: 2-бригадада А. Абалаян фотоси.

КАЛБИ ДАРЁЛАР

НИШ ОПЛАРИДА ҳам тошкентликлар тиним билмади.

Ҳа, шундай. Ўтган йил апрель ойида бўлиб ўтган зилзиладан бери кўпчилик курилиш ишлари билан банд. Ўтган йилнинг бунёд этилиб, пойтахт жамолини янада гўзал қилиш ҳаммадан қалбидан озу. Тошкентда массивлар жуда кўп. Чилонзор, Оқтепа, партия XXI съезди, Високопольная, Москва массивлари. Бу ерларда ажойиб, гўзал турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар қуришмоқда. Қад кўтарайтган сой-санок-сиз шахсий участкаларни айтмайсан. Ўйинча, қўшма, бир-бир чиройли қилиб қурилган улар.

Октябрь массивида кўп қатори бир уй қад кўтармоқда. Бунга жуда кўп киши эътибор қилиди, уйга қараб нималар ҳақидадир ўзаро шивирлашиб қўядилар. Бунинг сабаби бор.

Яқинда «Правда» газетасида ичкинагина бир хабар босилиб

қинди. Унда Октябрь массивида бир хонали йиғма уй ўрнатилганлиги, унинг соҳиби 79 ёшга кирган собиқ ишчи Азимхўжа Исомхўжаев эканлиги, унинг отага Севастополь шаҳрида яшайтган шахсий пенсионер Федосия Гейнадишна Максимовна ва унинг қизи Нина Анатольевналар соғга қилинганлиги айтилган. Шунингдек Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент шаҳри Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларида келган бошпанасиз қолган оилалар қатори Севастополдан келган Максимовалар оиласини ҳам бағрига олганлиги ҳикоя қилинади.

Мақур хушхабар бир неча кундаёқ Исомхўжаевлар оиласини ҳаммага танитди. Ҳар кун бу оилга меҳмонлар кўлаб келади. Ҳали қарасангиз отани уй билан қўшнлар му-боракбод қилишмоқда, ҳали қарасангиз газета мухбирлари отани ўртага олиб, суҳбатлашиб турганини кўрасиз. Ҳатто АПН мухбирлари ҳам бу оил билан қизиқиб қолишибди.

Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги Жарқуча, 9-тупик, 47-уйни топиш осон эмас. Ай-

ниқса ҳозир кўчалар номи анча қалқибди кетган. Амаллаб отанинг уйини топиб олдик.

Зилзила — табиий офатлар ичидаги энг дахшатлиларидан. Бу кўча илгарилари анча кўришми, ўзига яраша фойдали кўчалардан бири эди. Эндиликда эса, онда-сонда сақланиб қолган, эгалари кўчиб кетган уйларга кўзингиз тушади. Айрим хонадонлар ҳали кўчиб кетишга улгурмаган шекилли, ҳовли атрофларида одамлар кўриниб қолади. Қаршимизда турган, ичкинагина кўримсиз уй ҳам ана шулар жумласидан. Зилзила туфайли кўча деворлари шикаст еган, анчагина ери қулаб тушибди.

Эшик қонди. Қўрқ ёшлар чамасида, чехраси очиндики бир аёл чинди.

— Бемалол, бемалол, — у аёл бизларни илгари кўриб-юр-ганден хушмуомалалик билан ичкарига таклиф қилди. — Билмаман, отамнинг олдидиларга келган бўлсаларингиз керак.

Ичкари кирамиз. Торгина ҳовли. Анча ёшга бориб қолган нуруний отахон пешвоз чинади. Мана шу ота — Азимхў-

жа Исомхўжаев. У билан самими сурашамиз.

— Ўйи уй билан табриклаймиз, отахон.

— Раҳмат, раҳмат, қани ичкари кирайлик, бафуржа ўша ерда сулашамиз.

Ичкари кириб улгурмасимиз-даноқ отанинг набиралари, бо-

лалари бизни қувониб қарши олишди.

— Мени бутун оламга машҳур қилиб юбормоқчимисизлар? — яна кўлди Азимхўжа ота, — майли ўзим ҳақимда гапириб берсам гапириб бера-олай.

У тўрда турган стол ёнига ўр-

нашиб ўтириб олди-да, ҳикоя-

сини давом эттирди:

— Ҳаммага маълум, зилзила бўлгандан кейин, рост гап, шаҳарликлар саросимага тушиб қолдилар. Эртаси кун партия ва ҳукуматимизнинг раҳбарлари келганда эса менинг қувончимдан кўларимдан ёш чиқиб кетди. Саксон йил аша бунақа гапхўрликни ҳеч қачон кўрган эмасман.

Юрт қатори бизнинг уйимиз ҳам шикастланди. Менга ердан берилган деб бирон ерга борми келмади. Чунки ҳамшаҳарларимнинг ҳаммасининг ҳам у тарихини ўзига етарди. Комиссия аъзолари келишиб бизнинг уйимизни ҳам кўздан ўтказиб кетишди. Барака тоқур келганлар секция берайликми, ота, ёки участка қурагимиз дейиш-иб, менинг розилигимни сўрашди. Кампирим, болаларим билан маслаҳатлашиб, участка олишга қарор қилдим.

Октябрь массивидан ер акратиб беришди. Уйнинг пойдевори ҳам тиклаб қўйган эдик, бир маҳал райкомкомга қақир-қақирлиб синаб, деб қолди.

Эртаси кун неварам Маҳмуджон мени районымиз ик-ро-ля комитетига бошлаб борди.

Ранс йилгит Севастополь шаҳрида лшовчи икки аёл уларнинг шахсий пулларига бир уй сотиб олиб, тошкентликларга юборганлигини бу уйни бизнинг оилга беришга қарор қилганлигини айтди.

Севастополь, Севастополь...

Бу шаҳарни мен тилимга олишга қўрқар эдим. Бу шаҳарнинг номини йиғирма беш йилдан буён юрагимнинг энг нозик ерларида сақлаб келардим. Яна Севастополь деган сўзин эшитишим билан ўзимдан кетиб қо-ла-едим... Наҳотки, наҳотки,

ҳозир қаршимда турган йилгит менга шу шаҳарда ўлиб кетган менинг ўғлимни тирик деб айт-са. Ноумид шайтон, мен ана шу халға бордим. Афсуски, ундай бўлиб чиқмади.

Менга айтилган гаплар ҳам жуда қувончли эди. Севастополь шаҳрида лшовчи Федосия Максимовна шу уйнинг қизи Нинанинг одамгарчилиги, оли-жанобчилиги, қалби дарёли-гига қойил қолдим. Астойдил ташаккурлар айтиб, уларнинг соғвасини қабул қилаётганим-ни билдирдим.

Бир неча дақиқа муқаддам дилимдан ўтган кечинмаларим-ни ранс йилгитга билдирмаган эдим. У менинг тўғич ўғлим Тўзтабенинг Севастополь шаҳ-рида немис босқинчилари билан бўлган жайғда ҳалок бўлганли-гини ҳисобга олиб, бир ўғлим Одиловнинг Смоленск шаҳри остоносида, учинчи ўғлим Зо-ҳиджоннинг уруш жароҳатла-ридан кейин ҳалок бўлганлиги-ни назарда тутиб, уйни менга бераётганликларини тушунтир-ди.

Уйга қайтдим. Мени сабсиз-лик билан кўтиб ўтиришган акалар. Рансинг гапларини бирма-бир уйдиларга гапир-иб бердим. Ҳаммамизнинг қу-вончимиз чексиз эди...

Шунча йиллардан бери менинг ўғлим Тўзтабенинг урушда ҳалок бўлганлигидан афсуслиб, эзил-иб юрардим. «Шундай ажойиб саховатли, пок қалбли одамлар яшайтган, яшайдиган Севастополдан ша-ҳарни озод қилиш учун тўқил-ган ўғлимнинг қутлуг қони уни-тилмаган экан». Қўнғилдан шу гаплар ўтди.

Сизларга шунга айтиб қўй-яки, уйни кўриб бўлишимиз бил-аноқ Максимовалар оиласи бизларнинг биринчи меҳмони-миз бўлади. Бу ҳақда уларга хат ёзиб юбордим.

...Шу кунларда Тошкент шаҳ-рида жуда кўп уйлар, маданий-маиший объектлар қурилиб иш-га туширилмоқда. Одамлар қу-рилишга қўниқиб қолишган. Қу-рилишларга, қурувчиларга ком-эътибор беришди. Лекин Ок-тябрь массивида қад кўтарай-ган мўжазига бир уйча бор. Бу уйчага ҳамма-ҳамма эъти-бор беради. Бу уй эътибор бер-са арзийдиган уй!...

Р. УМАРОВ,
И. ЮСУПОВ.



Комсомол Роҳила Пулатова ўрта мактабини битиргач, фермага иш-га келди. Унинг ишлаб-башқаришга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Лекин у «Тандем» агрегатини моҳирлик билан бошқаради. Пулатова шу кунларда юбилей вахтасида туриб ишламоқда. Суратда: Калинин районидаги «Узбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг пешқадам сўт соғувчиси ўртоқ Р. Пулатова.

Қ. Розиков фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

САБЗАВОТКОРЛАР ҲИММАТИ

ХОЗИР деҳқоннинг қўнғили да-лада. Сабазавоткор хўжалик-ларда иш қилиб кетган. Калинин районидаги Окузбобоев номли кол-хозга бир бориб кўринг. Юбилей йилини муносиб меҳнат зафарлари билан нишонлашга аҳд қилган колхоз аъзолари кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Улар-нинг ниятлари катта.

Бу йил колхознинг юз гектардан кўпроқ ери шаҳарга ўтиб кетди. Лекин шунга қарамай, колхозчи-лар ўтган йилга нисбатан 820 тон-на кўп картошка, 175 тонна кўп сабазавот етиштиришга астойдил бел боғлаганлар. Бу мақсадга ҳо-силдорлигини ошириш, фойдалани-май ерларини, теплицаларни ўзлаштириш, эртаги экинлардан бўлаган майдонларга экин экиш йўли билан эришмоқчилар. Ҳозир-гача уватлар ва теплицаларни те-кислаб 10 гектар ер ўзлаштирилиб ишга туширилди.

Бу йил колхозда биринчи мар-таба тўртта механизацияланган сабазавотчилик эвенюлари тузилди. Механизациядан унумли фойдала-ниш учун картошка, қарам ва по-мидор экин планлаштирилди. Хо-зим Умаров, Ҳусан Топилов, Ис-мат Асадов, Саттор Ҳолдиров бо-шиқ эвеню аъзолари ерларни қузда ҳайдаб, экин экиладиган майдонларда ариқларни тортиб қўйганлар. Ер етилиши билан экинни бошлаб юборишга шай-бў-либ туришибди.

Б. КАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мух-бир.



Азимхўжа ота Исомхўжаев болалари ва неваралари билан.

Р. Жуманиёзов фотоси.

МАМЛАКАТЛАР ВА КИТЪАЛАРДА

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ «АГРЕССИЯ ТҲТТИЛСИН!» ДЕЯПТИЛАР

СОФИЯ. Болгария Халқ Рес-публикаси ташқи ишлар минис-трлигининг вакили, Америка аг-рессиясининг янада хавфлироқ авж олаётганлигини болгар хал-қи қатъий равишда қоралайди, деди. Болгария, АҚШнинг ВДР-ни бомбардимон қилиши ва унга қарши бошқа барча ҳарбий ҳа-ракатларини ҳеч қандай шарт қўймай ва абалди тўхтатишини талаб қилди.

БЕРЛИН. ГДРда шу кунлар-да ўтказилаётган Вьетнам бил-лан бирдамлик ҳафтасида Рес-публиканинг шаҳарларида Вьет-нам халқининг Америка импе-риализми агрессиясига қарши адолатли курашини қўллаб-қув-ватловчи кўндал-кўп митинглар ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Вьетнам аҳолиси учун маблаг тўлаш кенг кампанияси ўтказилмоқда.

ВАЛЬДЕК РОШЕ БИЛАН СУҲБАТ

ЛОНДОН. (ТАСС). Франция коммунистик партиясининг бош секретари Вальдек Роше «Морнинг стар» газетаси чет эл бўлимининг редактори Сэм Рассел билан қилган суҳбатда Франциянинг келажги сўл куч-ларини бўлади, деди. Вальдек Роше, Франциядаги сўллар нати-жаларига доир бир қанча савол-ларга жавоб берди.

Вальдек Роше, ҳозирги ҳуку-матга қўли зарба берилди, деб таъкидлади. Шу билан бирга, коммунистик партиясиз сўл куч-лар чинакам муваффақият қозо-на олмажяки ҳаммага аён эди, деди у. В. Роше сўл кучлар овоз беришининг биринчи даврасида 43 процент ва иккинчи даврасида 44 процент овоз овозликлари-ни эълосиб ўтди. Сайловларнинг сўл номзодларга қўрсатган ишончининг мана шу ўсиш эвази-га ҳукумат вакилларига беришган овозлар камайиб кетган.

В. Роше мамлакат прогрессив кучларининг бирлашуви сўл гу-руҳлар муваффақият қозониши-га сабаб бўлганлигини кўрсатиб, Коммунистик партия мана шу иттифоқни тўзат экан, ўз прин-ципларидан воз кечмади, деб таъкидлади. Аксинча, биз бир қанча масалалар юзасидан сўл кучлар ва радикаллар билан ке-лишиб олиш учун асос яратдик, деди у. Мамлакатда чинакам де-мократик режими тиклаш учун, социал адолат ва тиричилик-да яшашга асосланган ташқи сиёсат учун кураш шулар жумласидан-дир.

Сўнгра В. Роше коммунистлар

СТОКГОЛЬМ. Стокгольм ша-ҳар атрофларидан бири — Ес-терханнинг социал-демократлари АҚШ ҳукуматига ВДРни бом-бардимон қилишни тўхтатилсин, деган талаб билан чиқдилар. Улар қабул қилган резолюция-да Вьетнамдаги уруш тобора қирғинчилик характерини ола-ётди, дейилди. Вьетнамда қа-риб миллион бола ҳалок ёки майиб-мажрўх бўлганлиги ҳуж-жатлар билан исбот қилинган.

ДАМАШҚ. Вьетнам халқи билан бирдамлик ҳафтаси ўтказилаётганлиги муносабати бил-лан Сурия ишчилар касабасо-юзларининг умум федерацияси Вьетнам халқининг Америка империалистларига қарши адо-латли курашини қўллаб-қувват-лаш тўғрисида баёнот эълон қилди. Баёнотда Америка аг-

рессорларининг ваҳишона жи-ноятларига қарши қаҳрали норо-зиллик изҳор қилинади.

МЕХИКО. Мексика пойтахти-да Америка агрессиясига қар-ши Вьетнам билан бирдамлик митинги бўлди. «Эксельсюр» газетасининг қайд этишича, ми-тингда 8 минг киши, асосан миллий университет ва поли-техника институти студентлари қатнашганлар.

ЛОНДОН. Шотландий савдо автотранспорти ҳодимлари кас-аба союзининг Иниерессе шаҳрида ўтаётган конференция-сининг делегатлари Англия ҳу-кумати ўзининг ташқи сиёсати-ни ўзгартирмоғи ва АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясига маддд беришдан воз кечмоғи лозим, деган талаб билан чиқдилар. Конференция маъқуллаган фав-қуллода резолюцияда Америка авиациясининг ВДР террито-риясини бомбардимон қилиш-ни тўхтатиш талаб қилинади. (ТАСС).

ҚЎҒИРЧОҚ МИНИСТР ЛАГАНБАРДОРЛИК ҚИЛМОҚДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Жаҳоний Корей бош ми-нистри Тен Ир Квон бу ерда сўзлаган нутқига Жанубий Ко-рей армияси Вьетнам урушида Қўшма Штатлар билан Сайгон томонига қатнашининг давои-и эътирафлади, деди.

У, матбуот миллий клу-

бида нутқ сўзлаб, америка ҳу-куматининг Жаҳоний — Шарқий Осиёда тутайтган сиёсатини батамом маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, Сеул ҳам «Қўшма Штатлардан маддд кутмоқда...» деди.

Жанубий вьетнамлик бош

министр АҚШ ҳукуматини Вьетнам Демократик Республи-каси территориясини бомбарди-мон қилишни давом эттиришга чақирди ва Жанубий-Шарқий Осиёда Америка қўрқол куч-ларини сақлаб қолишни ёқлаб гапирди.

КАНЦЛЕРНИНГ ЭЪТИРОФИ

БОНН. «Католик публицист-лар бирлашмаси»нинг Боннда ўтказилган йиллик йиғилишида Габриел Германия канцлиери Ки-зингер нутқ сўзлаб айтдики, «Германия Федератив Респуб-ликасининг молиявий аҳоли илгари ҳеч қачон ҳозиргидек жиддийлашмаган эди. Бюджет дефицити бир неча миллиард маркага етиб қолди».

«Ўтмишнинг гуноҳларини бартараф қилмоқ» учун, деди Бонн канцлиери, бизга давлат маблаглари етишмай турибди. Аммо канцлер ҳарбий харажат-лар тўхтовсиз қўнайиб бораёт-ганлиги, бу харажатлар Габриел Германия аҳолиси устига оғир юк бўлиб тушайтганлиги тўғри-сида оғиз очмайди.



БЕЛЬГИЯ. Брюссель шаҳридаги савдо маркази. Аджерпресс — ТАСС фотоси.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТ-ЛАРИДА ЗАБАСТОВКА

ИТАЛИЯ

РИМ. Италия ишчилар синфийнинг жуда катта отряди бўл-ган 350 минг тўқимачи стапка курашини бошлади. Ишчилар энг коллектив шартнома тузиллишини талаб қилиб, 24 соат-лик забастовка ўтказди. Бу шартномада эса иш ҳафтасини қисқартириш, иш ҳақининг минимал даражасини ошириш, меҳнат шартини яхшилаш, касабасо-юзларнинг ҳуқуқла-рини кенгайтириш қўзда тутилган лозим.

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Сев-Назердаги металлургия заводи ишчилари-дан уч мингдан кўпроқ киши иш ҳақини ошириш ҳақидаги ўз талабларини қорғона эгалари қондиршдан бош торгандан-дан кейин забастовкани давом эттиришга қарор қилдилар. Синтетик тола ишлаб чиқарувчи «Родисетта» компанияси заводларида ишчиларнинг забастовкаси уч ҳафтадан бўён да-вом этаётди. Иш ташловчилар қаттиқ туриб олганликларни са-бабли компания маъмурияти ишчилар билан яна музокара-лар бошлашга мажбур бўлди.

Умумий меҳнат конфедерацияси иш ташловчилар ҳаракати-ни батамом қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди. Умумий меҳнат конфедерацияси иш ташловчилар фойдига 700 минг эски франк топиришга қарор қилганлигини ҳам билдирди.

ЭКВАДОР

ГУАЯКИЛЬ. Эквадордаги Хилихана шахрининг (Манаби ви-лояти) меҳнаткашлари нолаълум муддатга забастовка эълон қилдилар. Улар ҳукуматдан мактаблар, йўллар, ирригация нишоотлари қуриб бериш ва аҳоли яшайдиган пунктларни электрлаштириш талаб қилмоқдалар. Мамлакатни Эквадор-да кофе етиштирувчи асосий район бўлган ана шу вилоят билан боғлайдиган йўлларини иш ташловчилар ёпиб қўйишган.

ЯПОНИЯ

ТОКИО. Япония ҳусусий радиоэътиштириш касабасо-юз иш ҳақининг оширилишини, иш вақтининг қисқартирилишини ва меҳнат шартининг яхшиланишини талаб қилиб, бутун мамла-катда бир қанча қисқа муддатли забастовкалар ўтказди. Забастовкалар уч соатдан олти соатгача давом этди. Бу касабасо-юз 13 мингга яқин аъзога эга.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

КАНБЕРРА. Янги Зеландиядаги энг йирик саноат мар-кази бўлган Оклендда ишчилардан 17 мингдан кўпроқ киши яқинда Янги Зеландия ҳукумати жорий қилган «иқтисодий тадбирлар» деб аталмиш тадбирларга қарши порозилик билди-риб, ўз ишларини тўхтатдилар.

Шаҳарда бўлиб ўтган митингда Янги Зеландия меҳнат фе-дерациясининг президенти Т. Скиннер нутқ сўзлаб, иш, уш, мой ва бошқа маҳсулотларнинг нархи кескин ошиб кетганлиги му-носабати билан мамлакат ишчилар синфи номидан қатъий но-розилик билдирди.

Митингда қабул қилган резолюцияда ишчилар ҳукуматнинг бу «иқтисодий тадбирларни» муҳтожлик ва нисозлик келтиради, дедилар.

АВСТРАЛИЯ

КАНБЕРРА. Яқинда Мельбурнда ва унга яқин жойлашган шаҳарларда трамвай ҳаракати тўхтаб қолди. Трамвай ҳайдо-вчилар ва кондукторлардан 4 мингдан кўпроқ киши 5 соатга ўз ишларини тўхтатиб қўйдилар. Улар касабасо-юзлар кенгаши бйнос олдид митинг ўтказиб, иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шартининг яхшиланишини талаб қилдилар.

P.00750.
ИНДЕКС 64970